Xalq deputatlari Guliston tumani Kengashi

Qarori

19 сентябр 2020 yil № 73/15-06 Dehqonobod sh.

Гулистон тумани Теракзор ва Соҳил маҳаллаларида номлари такрорланган айрим кўчаларни қайта номлаш тўғрисида

Кун тартибидаги масала депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, Гулистон туман адлия бўлимининг 18.09.2020 йилдаги №1-20/1-7//105-сонли хулосасига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси "Давергеодазкадастр" давлат қўмитаси эксперт комиссиясининг 2020 йил 24 июлдаги географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экпертизасидан ўтказиш бўйича йиғилиш баёни қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Гулистон туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан номланмаган ёки номлари такрорланган айрим кўчаларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давергеодазкадастр қўмитаси эксперт комиссиясининг 2020 йил 24 июлдаги баёний қарори билан таклиф этилган кўча номлари иловага асосан тасдиқлансин.

3. Туман ички ишлар бўлими (А.Файзиев), адлия бўлими (О.Бозоров), статистика бўлими (Б.Абулқосимов), туман давлат солиқ инспекцияси (К.Шаимов), давлат хизматлари маркази (Ш.Турсунқулов), маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (Ш.Хушмуратов), "Ермулккадастр" давлат корхонаси Гулистон тумани филиали (С.Усанбоев), қурилиш бўлими (Х.Юлдашев) ва тегишли мутасадди ташкилотлар мазкур қарор иловаси асосида амалга оширилаётган ўзгаришларни эътиборга олсин ва қарордан келиб чиққан ҳолда тегишли идоравий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари О.Жўраев ва Маънавият ва маърифат маркази Гулистон туман бўлинмаси раҳбари Ж.Ботирбековларга:

10 кун муддатда ҳудудлардаги номлари ўзгарган кўчаларга замонавий кўринишдаги (лотин ёзувида ҳомий ташкилотлар ёрдамида) пешлавҳалар ёзиб ўрнатиш ишларини ташкил этиш;

пешлавҳалар ўрнатиш ва молиялаштириш юзасидан тегишли ташкилотларга кўрсатмалар бериш ва назоратга олиш вазифалари юклансин.

5. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссия (О.Жўраев), туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (Ш.Хушмуратов) ва фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда:

-бир ҳафта муддатда ҳудудларда янги номланган кўчаларнинг номларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилансин.

6.Туман ички ишлар бўлими (А.Файзиев)га:

-туман ҳудудларидаги номлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғини ва кўчаларда яшовчи фуқароларга янги паспорт бериш ва уларни рўйхатга қўйишда янги номлар билан ёзилишини назоратга олиш вазифаси юклатилсин.

7. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби Х.Челибоев ҳудудларда янги номланган кўчаларнинг номларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ижтимоий тармоқларда маълумотлар берсин.

8. “Гулистон ҳаёти” газетаси таҳририяти (Б.Норжигитова)га ушбу қарорни “Гулистон ҳаёти” газетасида ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Д.Аноркулова ва туман хокимининг ўринбосари О.Жўраев зиммаларига юклатилсин.

10. Қарор расмий нашрларда эълон қилингандан сўнг кучга киради.

Халқ депутатлари Гулистон
тумани Кенгаши сессияси раиси **Р.Шеранов**

Халқ депутатлари Гулистон
тумани Кенгашининг
2020 йил 19 сентябр даги
73/15-06 -сонли қарорига илова

Гулистон туманидаги Теракзор ва Сохил маҳаллаларида инвентаризациядан ўтказилган ҳамда янги ва қайта номланган кўчалар (Географик объектлар)
РЎЙХАТИ

№	Кўчалар жойлашган ҚФЙ ва МФЙ номи	Кўчаларнинг номланиши	Вилоят комиссиясига таклиф этилган номлар	Вилоят, республика комиссияси томонидан тавсия этилган номлар
1	Теракзор маҳалла фуқаролар йиғини	Оқтепа, Мархабо-1, Мархабо-2, Хамкор-1, Хамкор-2, Хамкор-3 ва Хамкор-4 кўчалари охиридан ўтган номланмаган кўчага	Фаровонлик, Тадбиркорлар, Сувчилар	Фаровонлик
2		Хамкор-1, Хамкор-2 ва Хамкор-3 кўчалари бошланишидан ўтган номланмаган кўчага (боғловчи кўча)	Ватанпарвар, Ўйингоҳ, Моҳирлар	Моҳирлар
3		Хамкор-1, Хамкор-2 ва Хамкор-3 кўчалари ўртасидан ўтган номланмаган кўчага	Чарводор, Меҳнаткашлар, Олчазор	Меҳнаткашлар
4		Файизли	Меҳридарё, Нишона, Боғбонлар	Меҳридарё
5		Файзли кўчасига боғланган номланмаган кўчага	Баликчилик, Жийдали, Фермерлар	Жийдали

6		Илгор-1	Маънавият, Шукурона, Шодлик	Шодлик
7		Райхон-1	Иқтидор, Ибрат, Маънавият	Иқтидор
8		Хамкор 3	Хунармандлар, Нуронийлар, Зиёнур	Нуронийлар
9		Хамкор-4	Янги Ўзбекистон, Садо, Ғолиб	Янги Ўзбекистон
10		Хамкор-2	Сержило, Ифтихор, Зиёлилар	Сержило
11		Мархабо-1	Олтинтепа, Ҳарбийлар, Оқолтин	Ҳарбийлар
12		Мархабо -2	Сахийлар, Саховот, Фидокорлар	Саховот
13	Соҳил маҳалла фуқаролар йиғини	Номланмаган кўча	Мардлик, Теракзор, Ёшлар	Мардлик
14		Миришкор-2	Илғор, Буюк турон, Тараннум	Буюк Турон
15		Номланмаган кўча	Ғаллакор, Садо, Ифтихор	Садо